

“Тасдиқлайман”

Яккасарой МТБ мудири

Д.Н.Расулмухамедова



Энг яхши таклифни танлаш буйича

харид қилиш ҳужжатлари

(Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари биноларини ёғоч конструкцияларини ёнғинга қарши суюқлик билан ишлов бериш)

1. Танлов ўтказиш услуби	Балл услуби (Энг яхши таклиф танлови учун) иштирокчилар томонидан электрон тарзда https://etender.uzex.uz/ портали орқали тақдим қилинган ҳужжатларнинг техник қисми комиссия аъзолари томонидан, нарх қисми эса дастур томонидан сифат ва ишончилиги ўрганилиб баҳоланади, энг юқори балл тўплаган иштирокчи ғолиб бўлади.
2. Иштирокчилар томонидан таклифларни тақдим этиш муддати	Ушбу эълон порталга жойлаштирилган кундан бошланиб, порталда тугаши белгиланган сана ва вақтгача давом этади
3. Танлов ҳужжатларини тайёрлаш тили	Ўзбек ва рус тилларида
4. Боғланиш учун алоқа маълумотлари	Яккасарой тумани мактабгача таълим бўлими хизмат бошлиғи- Б.Махмудходжаев +998977140250
5. Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Ўрикзор 2-тор кўчаси 45-уй

Танлов иштирокчиларига асосий талаблар

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат	Максимал балл
1	Ташкилотнинг давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги ва ташкилот ҳақида умумий маълумотлар	Гувоҳнома нусхаси ва умумий маълумот	5
2	Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони 10 ва ундан юқорилиги (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот. Ходимлар mehnat.uz порталида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим)	Маълумотнома	10
3	Ишларини бажариш учун зарур асбоб-анжомлар, техника воситалари ва кимёвий воситаларга эгаллиги	Асословчи ҳужжатлар	10
4	Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларни ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги	Кафолат хати	5
5	Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги	Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)	5
6	Банкдан картотека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома	Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)	5
7	Жорий таъмирлаш ишларини олиб бериш муддати (Асословчи ҳужжатлари билан)	Ишларни умумий бажариш графиги ва таклиф қилинган муддатда сифатли ҳамда смета талабларига мос равишда бажариб бериш учун кафолат хати	16
8	Танлов объектига (мактабгача таълим ташкилоти ёки мактаб каби) ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси	Асословчи ҳужжатлар	10
9	Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги	Кафолат хати	2
10	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати	Кафолат хати	2
11	Ёнғинга қарши ишлов бериш бўйича протокол мавжудлиги	Асословчи ҳужжатлар	10

Таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда etender.uzex.uz порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Иштирокчилар қўйилган талаблар учун тақдим қилинган ҳужжатларига, яъни техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 80 балл ва нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичлари учун энг юқори 20 балл. Умумий 100 балл тўплашлари мумкин.

Эслатма: Техник қисмдаги талабларни биронтасидан 0 балл олган иштирокчилар танловдан четлатилади.


Амалдаги материаллар ва жиҳозларга қўйиладиган талаблар.

Амалдаги материаллар ва ускуналар давлат стандартлари талабларига жавоб бериши ва техник маълумотлар варақалари, сертификатлар ва бошқалар билан таъминланиши керак. Уларнинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади. Ишларни бажаришдан олдин ёғоч қисмларини чангдан тозалаш ва ёғоч кемирувчи, хашоратларга қарши кимёвий ишлов бериш. Бино ёғоч конструкциялари ва том қисмларини ёнғинга қарши кимёвий ишлов бериш камида 2 (икки) маротаба амалга оширилиши шарт. Ишларни бажариш учун сифати юқори бўлган табиий ёнғинга чидамли композицион ПТЛ-СДНдан фойдаланилсин. Пудратчи ишлатишган материалларнинг давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқлиги, ишлаб чиқарилган мамлакат ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги, тайёр объект ишга туширилгунга қадар шартномани бажариш учун етказиб бериладиган барча материаллар ва жиҳозларнинг хавфсизлиги учун жавобгардир. Пудратчи буюртмачига ўзи танлаган материаллар ва асбоб-ускуналар тўғрисидаги маълумотларни (шу жумладан, тегишли паспортлар, Ўзрстандартларига мувофиқлик сертификатлари, экологик стандартларга мувофиқлик сертификатлари) тақдим етиши, уларни қўллаш ва ишлатиш учун унинг розилигини олиши шарт. Агар мижоз материаллар ва ёки ускуналардан сифат стандартларига ёки илгари тасдиқланган намуналарга риоя қилмаганлиги сабабли фойдаланишни рад этади, пудратчи уларни ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбурдир. Белгиланган стандартлар ва талабларга мос бўлмаган материаллар фойдаланганда, мижоз пудратчи шартнома бажаришда жазо қўллашга рози ёки қарши даъво қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ижрочилар билан ҳисоб-китоб тартиби.

Ғолиб билан ҳисоб-китоб миллий валюта(сўм)да амалга оширилади. Танлов ғолибига 30% миқдорда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан) олдиндан тўлов ўтказиб берилади. Қолган маблағ ғолиб ташкилот томонидан шартнома бўйича ишлар бажарилиб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактура ва далолатномалари буюртмачига тақдим этилгандан сўнг ўтказиб берилади.

Яккасарой МТБ эксплуатация
хизмати бошлиғи



Б.Махмудходжаев